

## тахоратга сув тайёрлашганда уни илиқлигини билиш учун бармоқларини

16:00 / 27.04.2016 3665

**САВОЛ:** Баъзилар совуқ пайтларда таҳоратга сув тайёрлашганда уни илиқлигини билиш учун бармоқларини сувга тиқиб кўришади. Баъзилар бунга қарши чиқиб, бу макруҳ, бу сув билан энди таҳорат қилиб бўлмайди, дейдилар. Бу ишларнинг қай бири тўғри?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мазкур сув ила таҳорат қилса бўлади. Сиз келтирган гапни айтган одамларнинг фикри тўғри эмас.

Бунинг ўрнига сувнинг илиқлигини билишни панжани унга тиқмай аниқлашни таклиф қиламан. Бу ишни қуйидагича амалга ошириш мумкин. Сувдан озгинасини қўлга қуйиб кўриб унинг иссиқлик даражаси аниқланади. Иккинчи услубда сув ҳароратини ўлчайдиган асбоб ила унинг даражаси аниқланади. Валлоҳу аълам.